

## БЕРДОҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИДА АХБОРОТ ТАРМОҒИДАН ФЙДАЛАНИШ ТАРТИБИ

### 1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

**1.1** Ушбу тартиб Бердоқ номидаги Қорақалпоқ давлат университетининг ишчи ўринларидаги компьютерлари орқали локал ва Интернет тармоғидан фойдаланиш тартибини белгилаб беради. Ушбу ҳужжат билан университет ходимлари биринчи навбатда танишиб чиқишлари, ҳужжатни ҳар бир бўлим хонасида кўринадиган жойда сақлашлари тавсия этилади.

**1.2** Ушбу ҳужжатда белгиланган қоидаларни бажариш, ҳар бир ходим учун мажбурийдир. Қоидаларнинг бузилганлиги ҳолати аниқланса Ахборот технологиялари маркази томонидан раҳбариятга қоидабузарнинг бузгунчилик ҳаракатлари бўйича асоснома ва унга нисбатан тегишли чоралар кўриш тўғрисидаги билдирги билан муурожаат этилади. (кейинчалик матнда (!) белгиси билан кўрсатилган).

**1.3** Ушбу қоидалар ходим ёки жалб этилган мутахассисларнинг компьютердан, компьютер периферия воситаларидан (принтер, сканер, клавиатура, сичқонча, наушник, USB-флешка ва USB-порти орқали уландиган бошқа қурилмалар), **Windows** операцион тизимидан, **Office** амалий дастурлар пакетининг асосий дастурларидан (Word, Excel, PowerPoint, Outlook) фойдаланиш асослари бўйича саводи ва кўникмалари юқори даражада шаклланганлигини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

**1.4** Агар Университет ходими компьютердан, компьютер периферия воситаларидан, **Windows** операцион тизимидан, **Office** амалий дастурлар пакетининг асосий дастурларидан фойдаланиш асослари бўйича саводи ва кўникмалари етарли даражада шаклланмаган бўлса, **университет ишчи ўринларидаги компьютерлардан фойдаланишга йул қўймаслик — Университет раҳбарияти ёки бўлими бошлиғи зиммасига юклатилади.**

**1.5** Компьютердан фойдаланиш саводи ва кўникмалари етарли даражада шаклланган ходим:

- Компьютерни, компьютер қурилмаларини (монитор, клавиатура, сичқонча, принтер, сканер, USB-флешка ва USB-порти орқали уландиган бошқа қурилмалар) улашни, ўрнатишни, улардан фойдаланишни билади, компьютер ахборот ҳажмларини туғри тушунади, электрон ахборот хавфсизлигидан хабари бор;

- Windows операцион тизимида асосий функцияларни бажаришни билади. **Асосий функцияларга:** ўз паролини ўзгартириш, файллар яратиш, очиш, кўчириш, ўчириш, иш столини (Рабочий стол), “ПУСК” менюсини сошлаш, компьютер IP-адреси ва тармоқ адаптери параметрларини сошлаш, ўз компьютерининг тармоқдаги номини ўзгартириш, ўзи фойдаланадиган (Университет томонидан ўрнатилмаган ва тавсия этилмаган\*) дастурларни ўрнатиш/учириш/сошлаш, Операцион тизим ёки клавиатура тилини ўзгартира олиш, кўшимча шрифтларни ўрнатиш, компакт дискка маълумот ёзиш, аудио/видео файлларни ўрната олиши, аудио/видео плеерларни сошлаш, компьютер дисклари, флешкалар, оператив хотира, файллар ва папкаларни вируслар ва зиён етказувчи программалар предметига текшириш ва х.к.з. Ушбу функцияларни бажаришда муаммолар чиққан ҳолларда, ўзи бартараф эта олади.

- **Office** амалий дастурлар пакети таркибига кирувчи дастурлардан (Word, Excel, PowerPoint, Outlook) эркин фойдалана олади. Эркин фойдаланишга: ҳужжат/электрон жадвал/ презентация/ электрон хатларни яратиш, форматлаш, формулалар/анимациялар билан ишлаш, электрон почта орқали жунатиш, принтерда чоп этиш, дастурларнинг ташки кўриниши, функционаллиги ва ички сошлаш ва х.к. Ушбу дастурлардан фойдаланиш давомида муаммолар чиққан ҳолларда, ўзи бартараф эта олади.

\*Университет Ахборот технологиялар маркази ходимлари томонидан ўрнатилмаган дастурий воситалар созлигини назорат қилиш ва юритишни ўз зиммасига олмайди.

### 2. ЛОКАЛ ТАРМОҚ

**2.1** Қорақалпоқ давлат университетида юқори тезликдаги симли ва симсиз (Wi-Fi) локал тармоқ ишга туширилган. Унга сўнгги авлод техникалари –сервер ва коммутацион жихозлар ҳизмат кўрсатади. Университет ахборот хавфсизлиги марказий прокси сервердаги дастурий пакетлар ва тармоқ брандмауэри ёрдамида амалга оширилади.

**2.2** Локал тармоққа уланган барча компьютер ва қурилмалар учун бир хил фойдаланиш қоидалари қулланилади. Тармоққа уланиш учун дастлаб компьютер ёки қурилманинг (1) ўз алоҳида IP-адреси бўлиши талаб этилади.

### ТАРМОҚДАН ФЙДАЛАНИШ ҲУҚУҚИ

**2.3** Университет тармогидан фойдаланиш учун ходимлар Ахборот технологиялар марказида иловада келтирилган шаклга мувофиқ мурожаат этадилар. Жалб этилган ходимлар учун раҳбарият/бўлим бошлиғи жавобгарликни зиммасига олган ҳолда шаклнинг тегишли жойларини тўлдиради ва имзо чекади.

### ТАРМОҚҚА УЛАНИШ ҚОИДАЛАРИ

**2.4** IP-адреслар компьютер ёки қурилма (планшет, ноутбук, телефон) фойдаланувчиси томонидан созланиши шарт. Уни созлаш учун **Windows** операцион тизимида куйидагиларни амалга оширинг: ПУСК-> Панель управления->Сеть и Интернет -> Центр управления сетями и общим доступом->Изменение параметров адаптера-> Подключение по локальной сети ёки Беспроводное сетевое соединение (2 марта босиб “Свойства” ойнасини очинг) “Свойства” тугмасини босинг->Руйхатдан “Протокол Интернета версии 4 (TCP/IPv4)” бандини белгиланг ->“Использовать следующий IP-адрес:” бандини белгилаб куйидаги жадвалга мувофиқ “IP-адрес:” майдонини тулдириг.

Ҳар бир бўлим учун алоҳида IP-адреслар диапазони белгиланган:

192.168.0.1 дан 10 гача 192.168.20.1 дан 10 гача	Сервер коммуникацион жихозлар учун резерв
192.168.0.11 дан 40 гача	Раҳбарият: Ректор, проректор, бухгалтерия ва котиб-референтлар, Ҳуқуқшунос
192.168.0.41 дан 89 гача	Кадрлар бўлими, Девонхона, Халқора бўлим, маркетинг, ўқув бўлими, илмий бўлим ва бошқалар
192.168.0.90 дан 99 гача	Мониторинг, ахборот-коммуникацион технологияларни жорий этиш ва ривожлантириш бўлими
192.168.0.100 дан 170 гача	Корпоратив тармоқни бошқариш ва техник таъминот бўлими, АРМ маркази
192.168.10.11 дан 61 гача	Физика-математика факультети
192.168.10.62 дан 92 гача	Кимё-технология факультети
192.168.10.93 дан 123 гача	Тарих ва ҳуқуқшунос факультети
192.168.10.124 дан 164 гача	Иштимой-иқтисодий факультети
192.168.10.165 дан 185 гача	Техника факультети
192.168.10.186 дан 206 гача	Табиятшунослик ва география
192.168.10.207 дан 211 гача	Мистратура
192.168.10.212 дан 225 гача	Педагогика
192.168.20.11 дан 50 гача	Филология
192.168.20.51 дан 80 гача	Қорақалпоқ филологияси
192.168.20.81 дан 110 гача	Wi-Fi учун мулжалланган

Маска подсети: **255.255.255.0**

Основной шлюз: **192.168.0.1**

Предпочитаемый DNS-сервер: **195.158.0.1**

Альтернативный DNS-сервер: **192.168.0.1**

Юқорида курсатилган амаллар бажарилгач, “ОК” тугмаси босилади ва созлашлар сақланади. Агар “Конфликт IP-адреса” хатоси чиқса, ўз булимнингиз учун ажратилган бошқа IP-адресларни куйишга уриниб кўринг. Агар хатолик такрорланса Ахборот технологиялар маркази мурожаат этинг.

**2.5** Планшет, телефон ва бошқа қурилмалар орқали симсиз тармоққа уланиш зарурияти туғилса, ўша қурилмаларда IP-адресни созлаш ҳам юқорида кўрсатилган тарзда амалга оширилади. Қўшимча ёрдам учун қурилманинг қулланмасига мурожаат қилинг.

**2.6** **Сервер ва коммутацион жихозлар, тармоқ принтерлари, Wi-Fi маршрутизаторлари учун резервланган ва хизмат кўрсатилмайдиган IP-адресларни ўзлаштириш май этилади!** Агар ушбу IP-адреслар орқали уланган компьютер ёки қурилмалар аниқланса, қоидабузарлик (!) ҳисобланади ва (1) ушбу компьютер ёки қурилма серия рақами бўйича тармоқдан фойдаланиш ҳуқуқидан бутунлай маҳрум этилади ҳамда (2) тегишли ходимга нисбатан қатъий чоралар кўрилади.

#### Вазирлик корпоратив тармоғини созлаш учун Қорақалпоқ давлат университети параметрлари

	Шаҳар/вилоят	Шаҳар/туман	Олий таълим муассасаси объектлари	Корпоратив тармоқ IP адреслар диапазони	Маска	Шлюз
1	Қорақалпоғистон	Нукус ш.	Қорақалпоқ давлат университети	10.20.63.10 - 10.20.63.100	255.255.255.0	10.20.63.1

### ТАРМОҚДАН ФОЙДАЛАНИШ ҚОИДАЛАРИ

**2.7** Локал тармоқ барча компьютерларни бир-бирига улайди ва компьютер фойдаланувчилари учун ўз компютеридаги ресурсларни бошқа фойдаланувчилар билан алмашиш имкониятини яратади. Фойдаланувчи ўз компютеридаги ресурсларни бошқа фойдаланувчилар билан алмашиш

учун **Windows** операцион тизимида кўйидагиларни амалга ошириши зарур: Янги папка яратилади ва сичкончанинг унг тугмаси босилиб, менюдан “Свойства” пунктини танланади, “Доступ” бўлимидан “Общий доступ” тугмаси босилади ва исм киритиш майдонига “Все” деб ёзилади, сўнг “Добавить” тугмаси босилади. (исм киритиш майдонига алоҳида фойдаланувчилар исмларини ҳам киритиш мумкин). Ходимлар, ўз компютерида сақланган ва алмашилаётган файллар мазмунига жавобгарликни ўз зиммаларига олади.

### 3. ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИ

**3.1** Университет доимий равишда интернет тармоғига уланган бўлиб, умумий тезлиги **2048 Кбит/секундга** тенг. Фойдаланувчиларга Марказий прокси сервердан ҳар бир компьютер учун 100 Кбит/с тезликда тақсимланади.

**3.2** Интернет тармоғига марказнинг интернет трафигини тақсимловчи прокси-сервер хизмат кўрсатади, прокси сервернинг IP-адреси 192.168.0.1, порт номери 3128.

#### ИНТЕРНЕТГА УЛАНИШ ҚОИДАЛАРИ

**3.3** Университетнинг интернет тармоғидан фойдаланиш учун (1) компьютер ёки қурилма локал тармоққа 2.4 бандда кўрсатилган тарзда уланган бўлиши ва (2) Internet Explorer дастурининг прокси-сервер қисми созилаши шарт. Бунинг учун **Windows** операцион тизимида: ПУСК-> Панель управления -> Сеть и Интернет -> Свойства обозревателя -> Подключение -> Настройка сети-> “Использовать прокси-сервер для локальных подключений” банди белгиланади ва “Адрес:” майдонига 192.168.0.1, “Порт:” майдонига 3128 ёзилади, “ОК” тугмаси босилади ва созилашлар сақланади. Ушбу қоида планшет ва телефонларга ҳам тааллуқли.

**3.4** Интернетдан бошқа браузерлар орқали фойдаланилса, ўша браузерларнинг тегишли прокси-сервер қисмлари созиланади.

#### ИНТЕРНЕТДАН ФОЙДАЛАНИШ ҚОИДАЛАРИ

**3.5** Фойдаланилган интернет ресурслари автоматик тарзда мониторинг қилиб борилади ва (1) ташриф буюрилган веб-сайт номлари, (2) фойдаланилаётган хабар алмашинуви ва чат-программалар фаолияти, (3) интернет тармоғидан фойдаланиш давомийлиги, (4) интернет тармоғидан олинган ахборот ҳажми доимий равишда ёзилиб, журналга киритилиб борилади.

**3.6** Интернетдан иш вақтида **аудио (mp3)** ва **видео (avi, mp4, mkv ва х.к.з.)** файллар кўчирилганда, турли хил ижтимоий тармоқлар ([mail.ru](mailto:mail.ru), [odnoklassniki.ru](http://odnoklassniki.ru), [facebook.com](http://facebook.com), [twitter.com](http://twitter.com) ва бошқалар), кўнгилочар ва бошқа иш жараёнида зарур бўлмаган ресурслардан фойдаланиш қоидабузарлик (!) ҳисобланади.

**3.8** Хизматга доир ҳужжатлар алмашиш ва ёзишмалар фақатгина миллий, химояланган ва расмий (корпоратив) электрон почта хизматлари орқали амалга оширилади. (**@edu.uz, e-xat, e-hujjat** ва бошқалар).

**3.9** Интернет тармоғидан кўнгилочар восита сифатида фойдаланиш, хизмат компьютерларига иш фаолиятига алақодор бўлмаган дастурларни ўрнатиш, хизмат компьютерлари орқали Интернет тармоғига уланиш учун мобил алоқа операторларининг флэш модемларидан фойдаланиш қатъиян ман этилади.

**3.10** Интернетдан фойдаланиш қоидалари бўзилган вақтда фойдаланувчи автоматик равишда бир ҳафтага интернет тармоғидан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум этилади.

### 4. ЭЛЕКТРОН ПОЧТАДАН ФОЙДАЛАНИШ ҚОИДАЛАРИ

**4.1** Университетнинг Интернет тармоғидан фойдаланиш учун компьютер ёки қурилма локал тармоққа 2.4 бандда кўрсатилган тарзда уланган бўлиши ва Internet Explorer дастурининг прокси-сервер қисми 3.3 бандда кўрсатилган тарзда созиланган бўлиши шарт.

**4.2** Университетда иш юритиш жараёнида алмашилаётган барча электрон шаклдаги корреспонденция вазириликнинг расмий <https://mail.edu.uz> электрон почта хизмати орқали амалга оширилиши шарт. Агар марказнинг электрон корреспонденцияси Интернет тармоғидаги эркин почта хизматлари орқали ([mail.ru](mailto:mail.ru), [yahoo.com](http://yahoo.com), [rambler.ru](http://rambler.ru) ва х.к.з.) амалга оширилса қоидабузарлик (!) ҳисобланади.

**4.3** Университет ходимлари янги электрон почта қутиси очиш учун Uz доменларидан фойдаланиш керак.

**4.4** Электрон почта орқали алмашилган маълумотлар мазмунига фақат электрон почта эгаси бўлган ходим жавобгар ҳисобланади.

**4.5** Электрон почта орқали ҳажми 5 Мбдан ортиқ хатлар жунатиш, бир вақтнинг ўзига 10 дан ортиқ адресларга хат жунатиш қоидабузарлик (!) ҳисобланади.

**4.6** Электрон почтадан исталган Интернет браузерлари орқали фойдаланиш мумкин. Бунинг учун <https://mail.edu.uz> манзилига ўтиб, берилган почта логини ва паролини киритиш лозим. (Логин формати: берилган [логин@edu.uz](mailto:логин@edu.uz)).

**4.7** Электрон почта ҳажми чексиз эмаслигини ҳисобга олган ҳолда, ундаги зарур маълумотларни кучириб олиб, кераксиз маълумотлардан тозалаб туриш шарт.

Электрон почтадан самарали фойдаланиш мақсадида **Office** амалий дастурлар пакетининг **Outlook**

дастурдан фойдаланиш тавсия этилади. Бунинг учун Outlook 2007/2010 дастурини куйидагича созлаш керак. ПУСК -> Все программы -> Microsoft Office-> Microsoft Outlook 2010. Агар дастурдан илгари фойдаланилмаган бўлса, у автоматик тарзда почтани созлашни таклиф этади. Агар дастурдан фойдаланилган бўлса, у ҳолда “Файл” менюсидан “Настройка учетных записей”, сўнгра “Настроить вручную параметры сервера или дополнительные типы серверов” -> Далее -> “Электронная почта Интернета” -> Далее -> “Введите имя:” майдонида ходимнинг Исми/Фамилияси, “Адрес электронной почты:” майдонида берилган электрон почта логини (Логин формата: берилган [login@edu.uz](mailto:login@edu.uz)); “Тип учетной записи:” POP3; “Сервер входящей почты:” майдонида edu.uz; “Сервер исходящей почты (SMTP):” майдонида edu.uz; “Пользователь:” майдонида берилган электрон почта логини (Логин формата: берилган login@edu.uz ); “Пароль:” майдонида паролни киритинг ва “Сохранить пароль” пунктини белгиланг. Сўнг “Другие настройки” тугмасини босинг. “Сервер исходящей почты” бўлимида “SMTP серверу требуется проверка подлинности” пунктини белгиланг. Сўнг “Дополнительно” бўлимида “Требуется шифрованное подключение (SSL)” пунктини белгиланг. ОК -> Далее-> Готов тугмасини босиш орқали MS Outlook дастури созланади.